

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2022 йил 31 май, № 111 (8173) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаларини ривожлантириш ҳамда соҳа ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш бўйича кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда бу соҳалардаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг янги усулларини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ислоҳотларнинг **аниқ манзиллилигини** таъминлаш, соҳаларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025 йилгача такомиллаштириш концепцияси** (кейинги ўринларда — Концепция) ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025 йилгача такомиллаштириш концепцияси**ни 2022-2023 йилларда амалга ошириш "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепцияни 2024-2025 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида тасдиқланади.

2. Белгилансинки, **Концепция ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари**, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутади:

а) **сейсмология йўналиши** доирасида:

зилзилаларнинг вужудга келиш механизми ва табиатининг ҳамда **зилзила даракчиларининг турли геодинамик жараёнларда намоён бўлишини тадқиқ қилиш механизмини** такомиллаштириш;

ҳудудларни **макросейсмик балларда ва муҳандислик кўрсаткичларда сейсмик микроҳудудлаштириш** бўйича онлайн-хариталарни ишлаб чиқиш;

турли даражадаги тектоник **ер ёриқларининг ўрта масштабдаги харитасини яратиш** ва уларнинг **сейсмик потенциалини** баҳолаш;

б) **бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш йўналиши** доирасида:

якка тартибдаги **уй-жойларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш** бўйича зарур чораларни кўриш;

бино ва иншоотлар ҳамда **сув омборлари тўғонларининг** зилзилабардошлик даражасини **доимий космик мониторинг қилиш тизимини** жорий этиш;

в) **сейсмологик кузатувлар тармоғини такомиллаштириш йўналиши** доирасида:

автоматлаштирилган комплекс-прогностик станцияларни кўпайтириш ҳисобига республика ҳудудини тўлиқ мониторинг қилиш имкониятини кенгайтириш;


**(Давоми 2-бетда).**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ҒАЛЛАНИ ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА БОЗОР ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, ички бозорни буғдой ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ғаллани давлат эҳтиёжлари учун зарур ҳажмдан ортиқ харид қилишдан воз кечиш орқали соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг **2022 йил ҳосилидан** суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача **2,5 тоннадан** жами **2 550 минг тонна** буғдойнинг:

**1 783,5 минг тоннасини товар буғдой** давлат ресурси сифатида ҳамда **266,5 минг тоннасини уруғлик** учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан харид қилиш;

**500 минг тоннасини** фермер хўжаликлари ҳамда бошқа ғалла етиштирувчилар (кейинги ўринларда — буғдой етиштирувчилар) томонидан кейинчалик биржа савдоларида сотиш учун Жамғарманинг тижорат вакилида вақтинчалик сақлашга қабул қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, **2022 йил ҳосили учун**:

а) "Ўздонмаҳсулот" АК тизимидаги корхоналар товар буғдойни Жамғарма номидан буғдой етиштирувчилардан сотиб олиш, сақлаш, шунингдек, харидорларга жўнатиш тадбирларини амалга ошириш бўйича тижорат вакили ҳисобланади;

б) давлат ресурсларига харид қилинган товар буғдой учун тўловлар буғдой етиштирувчиларга тижорат вакили томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидаги босқичларда амалда оширилади:

дастлабки босқичда — Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган нархларда;

кейинги босқичда — биржада шаклланган ўртача нархдан (ўртача котировкадан) келиб чиқиб, буғдой етиштирувчилар билан тўлиқ қайта ҳисоб-китоб қилинади;

в) буғдой етиштирувчилардан тижорат вакилида вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинган товар буғдой **2022 йилнинг июль-август** ойларида биржа савдолари орқали сотилади. Бунда:

буғдойни ташиш (шу жумладан, ички ташиш), қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга жўнатиш харажатлари тижорат вакили ва буғдой етиштирувчилар ўртасида тузилган шартнома шартларидан келиб чиқиб, Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади;

буғдойни қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга жўнатиш жараёнида юзага келадиган табиий камайиш миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартиб асосида ҳисобдан чиқарилади;

буғдойнинг сифати ва сақланиши бўйича назорат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган ва буғдой етиштирувчилардан вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинган:

3 ва ундан юқори синфлардаги буғдой — мулкчилик шаклидан қатъи назар, биржадан харид қилинган буғдойнинг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги унни биржа савдолари орқали сотиш мажбуриятини олган, ун ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига;


**(Давоми 2-бетда).**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## АДВОКАТУРА ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларга замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали уларни рақамлаштириш, бунинг натижасида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада кучайтириш ва бир қатор соҳалар вакиллари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ушбу йўналишда белгиланган вазифалар амалга оширилишининг тизимлилиги ва изчиллигини таъминлаш, бунинг доирасида адвокатура фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш зарурати мавжуд.

Адвокатура фаолиятида ортиқча сансалорлик, бюрократия ҳамда қоғозбозликка чек қўйиш, унинг фаолиятида судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ:

1. Қуйидагилар адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг **устувор вазифалари** этиб белгилансин:

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва **инсон омилини бартараф этиш** орқали **адвокатура институтининг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан мустақиллигини ошириш**;

адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг **тезкорлик билан олинишини таъминлаш** мақсадида **адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини** самарали йўлга қўйиш;

адвокатлар томонидан махсус ахборот дастури орқали **жисмоний ва юридик шахсларга онлайн юридик ёрдам кўрсатиш** имкониятларини кенгайтириш;

адвокатура фаолияти учун **зарур ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотларни шакллантириш** ҳамда уларда сақланадиган маълумотларнинг **комплекс ҳимоя қилиниши ва махфийлигини таъминлаш** чораларини кўриш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 январдан бошлаб**:

а) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш, **талабгор томонидан малака имтиҳонини топширишининг амалдаги тартиби сақланган** ҳолда **"Лицензия" ахборот тизими орқали амалга оширилади** ва **расмийлаштириб борилади**.

Бунда:

талабгорнинг малака имтиҳонини муваффақиятли топширганлиги ҳақидаги қарор ва тегишли ҳужжатлар **"Лицензия" ахборот тизими орқали** расмийлаштирилади ва адвокатларнинг электрон реестрига киритилади;

малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорга **адвокатлик лицензиясини олиш учун тегишли адлия органига мурожаат қилмасдан исталган вақтда** "Лицензия" ахборот тизими орқали олиш имконияти яратилади;

лицензиянинг **амал қилиши тўхтатиб турилган** ёки **тугатилган ҳолатлар** "Лицензия" ахборот тизимида автоматик равишда **қайд этиб борилади**;

б) адвокатлик тузилмаларини **давлат рўйхатидан ўтказиш**, **қайта рўйхатдан ўтказиш** ва **тугатиш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали** орқали **"ягона дарча"** тамойили асосида **фақат электрон тарзда** амалга оширилади.

Бунда:

адвокатлик тузилмаларини **давлат рўйхатидан ўтказиш** (ҳисобга олиш), **қайта рўйхатдан ўтказиш** ва **тугатиш** (ҳисобдан чиқариш) учун зарур ҳужжатлар **электрон тарзда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига киритилади**;

адвокатлик тузилмаларининг **таъсис ҳужжатларини адлия органининг муҳри билан тасдиқлаш, "рўйхатдан ўтказилган" белгисини қўйиш амалиёти бекор қилиниб**, уларга электрон **QR-код** ва **идентификация рақамларини бериш** тартиби жорий этилади;

адвокатлик тузилмаси номини рўйхатдан ўтказишда **бир хил ёки ўхшаш номларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумот онлайн** тарзда олинади;

в) адвокатлик фаолиятини бошлашда **малака имтиҳонини топшириш**, адвокатлик фаолияти учун **лицензия олиш ва адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш** бўйича **композит хизмат** кўрсатиш имконияти яратилади.

Бунда:

малака имтиҳонини топшириш учун **тегишли ҳужжатларнинг қоғоз шаклини талабгордан олиш тартиби бекор қилинади** ва **уларни электрон тарзда** юбориш амалиёти йўлга қўйилади;

адвокат мақомига эга бўлишга талабгорнинг **белгиланган талабларга мослигини текширган** ҳолда **имтиҳон вақти** ва **жойи** ҳақида **электрон хабар бериш** тартиби жорий этилади;

адвокатлик гувоҳномасини **махсус QR-код қўйилган ҳолда бериш** тартиби жорий этилиб, бу орқали **адвокатнинг мақоми ҳақида маълумот олиш** имконияти яратилади.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) **уч ой муддатда**:

адвокатлик тузилмаларини **давлат рўйхатидан ўтказишнинг** (ҳисобга олишнинг) **амалдаги тартибини** қайта кўриб чиқсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда **мазкур бандда назарда тутилган тартибни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш** ҳамда **зарур бўлган ташкилий-техник тадбирларни бажариш** чораларини кўрсин.


**(Давоми 2-бетда).**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ШИМОЛИЙ ТУМАНЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикасининг **Бўзатов, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Қонликўл, Мўйноқ, Нукус, Тахиатош, Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай туманлари**да (кейинги ўринларда — **шимолий туманлар**) мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш ҳамда қулай агробизнес муҳитини яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2027 йил 1 январга қадар шимолий туманларда жойлашган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини сотишнинг **истисно тариқасида қуйидагиларни назарда тутувчи тартибини жорий этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

аукцион савдоларида сотилган нархидан қатъи назар, барча харидорларга харид тўловларини **7 йил муддатда бўлиб тўлаш** имкониятини бериш;

аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк объектлари бўйича тузилган олди-сотди шартномаларига мувофиқ тўловлар **3 ой ичида тўлиқ тўланганда шартнома қийматининг 25 фоизига тенг** миқдорда **чегирмалар бериш**;

жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларига **ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукционда сотиб олиш қийматини 5 йил давомида бўлиб тўлаш** имкониятини яратиш;

туман ҳокимликлари балансидаги бўш турган биноларни хусусий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига танлов орқали бериш ва бинони туман ҳокимлиги балансида қолдириш, уч йилдан сўнг хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш пайтида баҳоланган **қийматнинг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш ҳисобига беш йил давомида тўлаш шарти билан** тақдим этилган биноларни **хусусийлаштириш имконини бериш**.

2. Шимолий туманларда 2025 йил 1 январга қадар эксперимент тариқасида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштиришга мўлжалланган ер майдонларини инвесторларга "E-AUKSION" электрон савдо платформасида очиқ электрон танлов асосида **30 йилга қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритиш учун** ижарага беришнинг қуйидагиларни назарда тутувчи тартиби жорий этилсин:

а) ижара ҳуқуқини ютиб олиш учун тўланадиган **тўловнинг энг кўп миқдорини таклиф этган** талабгор **устуворликка эга бўлиб**, қолган мезонлар бўйича **балл бериш тартиби қўлланилмайди**;


**(Давоми 3-бетда).**


Тожикистонлик экспертлар:

## «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАШАББУСКОРИ ВА МЕЪМОРИДИР»

*Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик ҳамда бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган конструктив, ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш борасида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришмоқда. Тожикистон эксперт-таҳлил ҳамжамияти вакиллари давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги саҳифаси ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашди.*


➡ 3


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

**28 май куни Тошкент шаҳрида Сенатнинг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.**



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб сенаторлар "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, давлат идоралари ходимлари фаолиятининг очиқлигини ҳамда уларни ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш бўйича сезиларли чоралар кўрилмоқда.

Ушбу ишларнинг мантиқий давоми сифатида мазкур қонун ишлаб чиқилган бўлиб, у давлат фуқаролик хизматини, шу жумладан, номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминлайди.

Шунингдек, ушбу ҳужжат давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонлар, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгилашда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи қонун ҳисобланади.

Муҳокама қилинган қонун нормалари фақатгина давлат реестрига киритиладиган лавозимларда фаолият юритаётган давлат хизматчиларига нисбатан татбиқ этилади.

Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматини тартибга солишда давлат органларининг асосий ваколатлари белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли давлат органларининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлари аниқ кўрсатиб ўтилмоқда.

Қонун билан давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда, яъни давлат хизматчиларининг фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳоланиши қатъий белгиланмоқда. Коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахслар давлат фуқаролик хизматига қабул қилинмайди.

Шу билан бирга, қонунда халққа хизмат қилиш давлат фуқаролик хизматининг асосий принципларидан бири этиб белгиланмоқда.

Таъкидланганидек, мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида давлат хизмати соҳасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилади. Давлат хизматчиларининг тоифаси, мақоми, малака даражаси, уларга қўшимча ҳақ тўлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уларнинг масъулиятини ҳам янада оширишга хизмат қилади.

Сенат аъзолари ушбу қонунни маъқуллади.

Шундан сўнг сенаторлар "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги ва "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларни муҳокама қилди.

"Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун ялпи мажлис муҳокамасига қадар дастлаб халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар билан амалиётда вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар инобатга олинган ҳолда бир неча бор муҳокамадан ўтказилди.

Қонунда жисмоний ва юридик шахсларга эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ҳамда ушбу ер участкаси, унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаларига компенсация бериш тартиб-таомиллари белгиланмоқда.


➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**миллий сейсмик кузатувлар тармоғининг** халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига киритилган станциялар билан **доимий алоқаларини таъминлаш**;

г) **сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўналиши** доирасида:

сейсмология соҳасида **илм-фан ва таълимни ривожлантириш** ҳамда **аҳоли ва давлат органларини зилзилада ҳаракат қилишга тайёрлаш** фаолиятини тартибга солиш;

республика ҳудудида қурилаётган **бино ва иншоотлар, сув омборлари ва гидротехника иншоотлари зилзилабардошлигини назорат қилиш** тизимини такомиллаштириш.

3. Қуйидагилар:

Концепция ва “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан **давлат органларининг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият** юклатилсин;

**Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги бўйича идоралараро илмий-техник кенгаш** (кейинги ўринларда — Кенгаш) давлат органлари томонидан Концепция ва “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг **сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгилансин**.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2022 йил 1 сентябрдан бошлаб** республиканинг сейсмик фаол зоналарида янги қурилиши режалаштирилаётган **хавфлилик омили IV тоифага** мансуб бўлган объектларга **зилзилабардошлик бўйича хулосалар бериш тартиби** жорий этилади.

Бунда Қурилиш вазирлиги экспертизадан ўтказилган хавфлилик омили IV тоифага мансуб объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини илмий хулосалар олишга йўналтиришга, Фанлар академияси объектларга **зилзилабардошлик бўйича** илмий **хулосалар беришга** масъул этиб белгилансин.

Фанлар академияси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг сейсмик фаол зоналарида қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага** мансуб бўлган **бино ва иншоотларга зилзилабардошлик бўйича хулосалар бериш тартибини жорий этиш тўғрисида** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Фанлар академияси томонидан **Республиканинг сейсмик фаол зоналарида жойлашган бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформаси**даги маълумотлар асосида **сейсмик заиф ижтимоий соҳа объектларининг рўйхатини** ҳар йили 1 апрелга қадар шакллантириб бориш ҳамда **инструментал-техник текширувдан ўтказиш** ишларини **Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ташкиллаштириш** амалиёти йўлга қўйилади.

Бунда инструментал-техник текширув ишлари учун маблағлар **Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан қопланиши белгилансин;

в) **2022 йил 1 октябрдан бошлаб** республика ҳудудидаги кўп квартирали уй-жойларни йиллар кесимида **зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади ва хатлов натижасига кўра** эксплуатация муддатини ўтаб бўлган **сейсмик заиф ва авария аломатлари аниқланган кўп квартирали уй-жойлар** ўрнида босқичма-босқич янги уй-жойлар қуриш бўйича таклифлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиб борилади.

Бунда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги кўп квартирали уй-жойларни **зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказишга масъул бўлган давлат бошқаруви органи** этиб белгилансин;

г) **2023 йил 1 майдан** бошлаб сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини доимий **космик мониторинг** қилиш тизими йўлга қўйилиб, мазкур йўналишдаги масъул давлат органлари **космик суратлар ҳамда ишлов берилган маълумотлар билан таъминлаб борилади.**

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги мазкур тизимни йўлга қўйиш учун **масъул давлат органи этиб** белгилансин.

5. Фанлар академияси:

**2022 йил 1 июлга қадар** сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги мутахассислар ҳамда илмий доира вакилларини кенг жалб қилган ҳолда **Сейсмик хатарни камайтириш дастури**ни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**2022 йил 1 августга қадар** сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаси муаммоларининг илмий ечимига қаратилган таклифларни (тематик мавзуларни) шакллантириб, Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этсин;

**2023 йил 1 февралга қадар** Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети олимлари билан ҳамкорликда ривожланган давлатларда қўлланилаётган **макросейсмик шкалаларни ўрганиб** чиқиб, **“UMS-22” миллий макросейсмик шкалани** ишлаб чиқсин;

**2022 – 2025 йиллар давомида** Андижон, Тошкент, Гулистон, Нурафшон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Навоий, Қарши, Термиз, Нукус, Урганч шаҳарларининг рақамлаштирилган сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарини ишлаб чиқсин.

6. **2023 йил 1 апрелдан бошлаб** сув омборлари тўғонларида сейсмик хавфни олдиндан прогноз қилиш ва баҳолаш амалиётини жорий қилиш мақсадида:

космик мониторинг доирасида **симуляцион дастур** орқали **зилзила натижасида тўғон ўпирилиши оқибатида** сув босиши мумкин бўлган республика ҳудудларининг визуал **3D моделларини ишлаб чиқиш** амалиёти йўлга қўйилсин;

сув омборлари **тўғонлари ўпирилиши оқибатида қутқарув ишларини ташкиллаштиришида** тегишли вазирлик ва идораларни **зарур космик суратлар ҳамда ишлов берилган маълумотлар билан таъминлаш тизими** жорий этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **2023 йил 1 февралга қадар** мазкур амалиёт ва тизим ишга туширилишини таъминласин.

7. Белгилансинки, 2023 йилдан бошлаб республиканинг сейсмик фаол зоналарида баландлиги 9 қават ёки ундан юқори бўлган **серияли қурилиши режалаштирилган ёки танлаб олинган** бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, сифатини таъминлаш ҳамда камчиликларни олдиндан бартараф этиш мақсадида **вибродинамик ускуна ёки замонавий рақамлаштирилган инструментал асбоб-ускуналар ёрдамида** синов ва текширув ўтказиб борилади.

Бунда синов ва текширувлар қурилиш ишларига масъул бўлган **буюртмачи ташкилотлар томонидан** ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

8. Қурилиш вазирлиги **2022 йил 1 декабрга қадар** Ўзбекистон шароитида сўнгги замонавий усулларни ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда **“Кўп қаватли биноларни лойиҳалаш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини** илмий-тадқиқот ва тажриба-синов натижалари асосида ишлаб чиқиш жараёни бўйича Кенгашга ахборот киритсин.

9. Транспорт вазирлиги:

а) **2022 йил 1 декабрга қадар**:

республикадаги барча сунъий иншоотларни (кўприклар, тоннеллар, эстакадалар, темир йўл кўприклари ва бошқалар) хатловдан ўтказсин ва унинг натижаларини умумлаштириб, **ягона рақамлаштирилган маълумотлар базасини ташкил этсин**;

аниқланган **эгасиз сунъий иншоотларни идоравий мансублиги бўйича** бириктириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) **2023 йил 1 мартга қадар** республикадаги барча мавжуд **сунъий иншоотларнинг зилзилабардошлиги** бўйича **электрон техник паспортларни шакллантирсин** ҳамда уларнинг Республиканинг сейсмик фаол зоналарида жойлашган бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформасига киритилишини таъминласин.

10. Сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ:

**2022 йил 1 августга қадар** биринчи босқичда **2022-2023 йилларда I ва II синфга кирувчи 32 та**, иккинчи босқичда **2024-2025 йилларда III ва IV синфга кирувчи 26 та сув омборларида сейсмологик кузатувларни** олиб бориш учун зарур асбоб-ускуналар харидини амалга ошириш **бўйича** асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси билан биргаликда 2023 йил 1 июлга қадар тасарруфидаги тоифаланган **сув омборлари** ва гидротехника иншоотларининг **зилзилабардошлик бўйича экспертизаси экспресс услубиёт асосида ўтказилишини таъминласин**.

11. **2022 йил 1 августга қадар** Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида мавжуд штат бирликлари доирасида сейсмологик кузатувни доимий ташкиллаштириш бўйича **мутахассис лавозими** жорий этилсин;

Сув хўжалиги вазирлиги мазкур штат бирлигига соҳа бўйича тажрибага эга бўлган мутахассис кадрни тайинлаш чорасини кўрсин.

12. Қуйидагилар:

а) Кенгаш томонидан тасдиқланган режа-график асосида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги **сув омборларида сейсмологик кузатувларни ўтказиш** бўйича харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари сув омборларида сейсмологик кузатувларни ўтказиш учун маблағларни **ўз вақтида ажратиб борилишини таъминласин**;

б) Фанлар академияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сув хўжалиги вазирлигининг буюртмасига асосан **сейсмологик кузатувларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини** таъминласин.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, **2023 йил 1 январдан бошлаб**:

а) сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат органлари раҳбар кадрлари ва ходимларининг **Аҳолининг барча қатламларини зилзилага тайёрлашга мўлжалланган миллий электрон платформа** орқали малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ўтказиб борилади.

Бунда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари раҳбар кадрларнинг аҳолига зилзилалар вақтида ўзини тутиш қоидаларини тушунтириш, кучли зилзилалардан талафотларсиз чиқиш ҳамда кучли зилзилаларга тайёргарлик кўриш бўйича кўникмаларини оширишга йўналтирилади;

б) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси:

**ҳар уч йилда** малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиб боради;

миллий электрон платформага малака ошириш бўйича замонавий дастурларни **ишлаб чиқиб, киритади ва мунтазам равишда янгилаб боради**.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда 2022 йил 1 декабрга қадар **миллий электрон платформанинг юритилиши** ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш тартибини тасдиқласин ва амалга киритсин.

14. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 августга қадар** аҳолининг барча қатламини зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан сўнг тўғри ҳаракат қилишга мустақил ўргатиш учун мўлжалланган **мобиль иловани** ишлаб чиқсин;

**2023 йил 1 июнга қадар** Ўзбекистон Республикаси аҳолисини зилзилага тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Сейсмик мустаҳкам бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш йўналишида **малакали кадрларни тайёрлаш тизимини ҳудудлар кесимида кенгайтириш** мақсадида:

**2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** Наманган муҳандислик-қурилиш институти ва Фарғона политехника институтида **“Бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги”** таълим мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда мазкур таълим мутахассислиги бўйича **қабул кўрсаткичларини 2022/2023 ўқув йили учун давлат буюртмаси параметрларига** амалдаги квоталар доирасида киритиш чораларини кўрсин.

16. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб **“Тарихий обидаларнинг сейсмик мустаҳкамлиги”** таълим мутахассислигини очиш;

**2022 йил 1 декабрга қадар** Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида зилзилалар кўп учрайдиган хавфли ҳудудлар учун турли хил даражадаги **табиий офатлар сценарийларининг замонавий компьютер моделларини ҳамда кўрилган зарарларни ҳисоблаш усулларини** ишлаб чиқиш ва ўқув дастурларига киритиш;

**2022 йил 1 сентябрдан бошлаб** Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида **“Бино ва иншоотларни замонавий компьютер дастурлари ёрдамида моделлаштириш”** фани бўйича олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун **интенсив курсларни ташкил этиш**.

17. Қуйидагилар:

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида грунтли иншоотлар, сув омборларининг тўғонлари, асос ва пойдеворларни **зилзилабардошлик бўйича замонавий рақамли ҳисоблаш усуллари ва дастурлари** (Plaxis, Ansys, Abaqus ва бошқалар) ёрдамида баҳолашга мўлжалланган **“Сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг зилзилабардошлигини баҳолаш”** ўқув-илмий лабораторияси;

Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлик бўйича техник ҳолатини баҳолаш, актив сейсмик ҳимоялаш усуллари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга мўлжалланган **“Бино ва иншоотларни сейсмик ҳимоялаш”** ўқув-илмий лабораторияси ташкил этилсин.

Белгилансинки, **ўқув-илмий лабораторияларнинг штат бирликлари** “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳамда Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг профессор-ўқитувчиларини **мақбуллаштириш ҳисобидан** жамланади.

Вазирлар Маҳкамаси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ва Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг **асосланган таклифларига мувофиқ ўқув-илмий лабораторияларни зарур жиҳозлар билан босқичма-босқич Жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминлаш** чораларини кўрсин.

18. Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида соҳа ходимлари ва Кенгаш аъзоларидан иборат делегацияни шакллантириб, хорижий мамлакатларга қисқа муддатли таништирув-стажировка курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, таништирув-стажировка курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплансин.

19. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги:

**2022 йил 1 декабрга қадар** Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда республикадаги сейсмик фаол, ўрта фаол ва тинч ҳудудлар ҳамда майдонларни ўзида мужассамлаштирган **интерактив онлайн-харитани ишлаб чиқсин**;

**2023 йил 1 августга қадар** сейсмик фаол зоналарда жойлашган бино ва иншоотлар майдонининг зилзилалар оқибатида деформацияси, силжиши, чўкиши каби омилларни аниқлашга мўлжалланган **радиолокацион космик мониторинг тизимини яратсин**.

20. Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти учун ажратилган ер майдонида алоҳида маъмурий ва лаборатория биносини қуриш, мавжуд бино ва иншоотларни мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Фанлар академияси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига мазкур бандда назарда тутилган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини **2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш** бўйича таклифларни тақдим этсин.

21. Жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган **хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган лаборатория асбоб-ускуналари, ҳисоблаш техника воситалари** ҳамда бутловчи материалларини қабул қилувчи ташкилотлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) **3 йил муддатга озод қилинсин**.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

23. Фанлар академияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкиллаштиришга **масъул ва шахсий жавобгар этиб** фавқулодда вазиятлар вазири А.Х.Қўлдошев, қурилиш вазири Б.И.Закиров, сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев ва Фанлар академияси президенти Б.С.Юлдашев белгилансин.

Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида ҳар ярим йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 май

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ҒАЛЛАНИ ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА БОЗОР ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4- ва 5-синфлардаги буғдой — барча тадбиркорлик субъектларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган график асосида биржа савдолари орқали ҳеч қандай чекловларсиз сотилади.

Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган таклифи асосида мазкур бандда назарда тутилган тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **2023 йил 1 майга қадар** Вазирлар Маҳкамасига мазкур бандда назарда тутилган тартибни 2023 йил ҳосили учун сақлаб қолиш ёки биржа савдоларини чекловларсиз ташкил этиш юзасидан таклиф киритсин.

4. Молия вазирлиги “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги корхоналарга биржадан буғдой сотиб олиш учун револьвер кредитларни молиялаштириш мақсадида Жамғарма маблағлари ҳисобидан **800 миллиард сўмгача тижорат банкларига Марказий банкнинг асосий ставкасида** ресурс жойлаштирилишини таъминласин.

5. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда буғдой етиштирувчилар томонидан етиштирилган буғдойни харид қилиш, вақтинчалик сақлашга қабул қилиш бўйича Жамғарма ва тижорат вакили ўртасида тузиладиган шартномаларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ҳамда амалиётга жорий этилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг олис, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларга ун ва ун маҳсулотларини етказиб бериш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизидан ошмаган қисмини маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Жамғарма томонидан харид қилинадиган ва биржа савдолари орқали сотиладиган буғдойнинг ҳисобини юритиш, харидорлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига Жамғармага қўшимча 6 та штат бирлиги ажратилсин.

8. Ғаллани сотиб олиш ва сотишда янги тизим шаффофлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда буғдой етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш, ички бозорда ун ва дон маҳсулотлари нархининг ўсиши ва тақчиллигининг олдини олиш бўйича **Республика штаби** иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Республика штабининг (Н.Йўлдошев) асосий вазифалари этиб белгилансин:

буғдойни етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва бошоқли дон экинлари етиштирилишини молиялаштириш устидан назорат механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф тайёрлаш;

ғаллани ўз вақтида йиғиштириб олиш, даладан дон қабул қилиш шохобчаларига нест-нобуд қилмасдан олиб келиш ва график асосида биржа савдоларига чиқариш ишларини ташкил этиш;

тақчилликка йўл қўймаслик ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳududдаги истеъмол талаби учун зарур бўлган ун ва ун маҳсулотларини республиканинг бошқа ҳудудларидан ва четдан олиб келиш ҳамда “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари сақлаб қолинишини назорат қилиш;

ғаллани тасдиқланган график асосида биржа савдоларига чиқариш ҳамда тўловларнинг амалга оширилиши устидан кунлик назорат ўрнатиш;

ғаллани сотиб олиш ва сотиш бўйича янги тизим шаффофлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда буғдой етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўздонмаҳсулот” АК манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** донни қабул қилиш ва омборлардан чиқариш жараёни, шунингдек, Жамғарма, тижорат вакили ва буғдой етиштирувчилар ўртасидаги молиявий ҳисоб-китоблар тезкор ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш мақсадида **d-xarid.uz** ахборот тизимини ишга туширсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини назарда тутувчи қарорни ишлаб чиқсин.

11. Молия вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев, молия вазири Т.Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини **муҳокама қилиб бориш**, ижро учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 май

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# АДВОКАТУРА ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Адлия вазирлигининг **2023 йил 1 январдан фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш**, адвокатура соҳасини **судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари фаолияти билан интеграция қилишни** назарда тутувчи **“Юридик ёрдам” ахборот тизими**ни ишга тушириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, “Юридик ёрдам” ахборот тизими доирасида:

**адвокатлар электрон реестри** ва **адвокатларнинг шахсий электрон кабинети** шакллантирилади;

адвокатнинг шахсий электрон кабинети орқали жисмоний ва юридик шахслар билан **онлайн мулоқот қилиш**, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ишонч билдирувчи шахс хоҳишига асосан масофадан туриб юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида **онлайн битимлар (шартномалар) тузиш** ва **онлайн юридик ёрдам кўрсатиш** имконияти яратилади;

адвокатура, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари ўртасида **электрон ҳужжатлар алмашинуви** йўлга қўйилади (бундан қонун билан муҳофаза қилинадиган сирни ташкил этувчи ахборотлар мустасно);

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан **терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ҳаракатлари ёки суд мажлиси ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида адвокатга электрон хабар бериш** имконияти яратилади;

**адвокат сўровини электрон юбориш** ва адвокат сўрови асосида юридик ёрдам кўрсатиш учун **зарур бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш** амалиёти йўлга қўйилади;

адвокатнинг ўз аризасига кўра **адвокатлик мақомини тўхтатиб туриш** электрон тарзда адвокат томонидан хабарнома бериш шаклида амалга оширилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 февралдан бошлаб**:

а) адвокатлик тузилмалари томонидан адвокатларга муайян ишни олиб бориш учун бериладиган **анъанавий шаклдаги ордер** (кейинги ўринларда — ордер) **мақомига тенг бўлган** махсус **QR-код қўйилган “Электрон адвокатлик ордери”ни** бериш амалиёти йўлга қўйилади;

Бунда:

адвокатлик тузилмаси томонидан **ишонч билдирувчи шахс билан тузилган барча шартномаларнинг фақат реквизитлари** (шартнома рақами ва унинг тузилган санаси) тўғридан-тўғри **“Юридик ёрдам” ахборот тизимига киритилади** ва бу **QR-код қўйилган “Электрон адвокатлик ордери”ни** олиш учун асос бўлади;

адвокат сўрови юборилган давлат органи ёки ташкилот, тегишли ишни кўриб чиқаётган суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан **адвокатнинг муайян ишга ваколатлилигини аниқлаш муқобил равишда QR-код қўйилган “Электрон адвокатлик ордери”** орқали ҳам амалга оширилиши имконияти яратилади;

б) ордер муқобиллик асосида **қоғоз шаклда расмийлаштирилганида, ушбу ордер ҳақидаги маълумотни “Юридик ёрдам” ахборот тизимига киритиш** мажбурий ҳисобланади;

в) адвокат сўрови шаклига қўйилган талаблар, шу жумладан, унга **ордернинг кўчирма нусхасини илова қилиш**, **ордерни қайд этиш дафтарини юритиш** талаблари бекор қилинади.

5. Белгилаб қўйилсинки, **“Юридик ёрдам” ахборот тизими** жорий этилиши муносабати билан:

**давлат ҳисобидан** адвокатларни ишга жалб этиш **инсон омилисиз**, **электрон тартибда тасодифий танлаш** йўли билан аниқланади;

адвокатларнинг **онлайн малака оширишини ташкил этиш** ва **малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни электрон шаклда бериш** тартиби жорий этилади;

адвокатлик тузилмаларидан **статистик маълумотларни анъанавий шаклда йиғиш бекор қилиниб**, статистик маълумотлар **автоматик** равишда умумлаштирилади.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда **2023 йил 1 январга қадар “Юридик ёрдам” ахборот тизими фаолияти тартиби тўғрисидаги** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тасдиқланишини, **мазкур тизимнинг ишга туширилишини**, шунингдек, унинг **махсус мобиль иловаси яратилишини** таъминласин.

Адлия вазирлиги “Юридик ёрдам” ахборот тизимининг бошқа ахборот-коммуникация тизимлари билан **интеграция қилиниши**, унинг **узлуксиз ишлаши**, **ахборот хавфсизлиги** таъминланиши ҳамда **адвокатлик сири ошкор этилмаслигини таъминлаш** учун **масъул давлат бошқаруви органи** этиб белгилансин.

6. “Юридик ёрдам” ахборот тизимини **ишга тушириш**, **унга техник хизмат кўрсатиш** ва **уни қўллаб-қувватлаш** билан боғлиқ **харажатлар** Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан **тақиқланмаган бошқа манбалар** ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан биргаликда **2022 йил 1 ноябрга қадар** “Юридик ёрдам” ахборот тизими жорий этилиши муносабати билан **адвокатларнинг касбий тайёргарлиги ва малака ошириш дастурларига** адвокатларнинг **рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш**, уларни ахборот технологиялари ва **ахборот хавфсизлиги** бўйича ўқитиш масалаларини киритиш чораларини кўрсин.

8. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жавобгар этиб** адлия вазири Р.Қ.Давлетов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Д.Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 май

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЛОЛА МУРОДОВА



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги оғир жудоликка учради.

Машҳур фермер, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, таниқли жамоат арбоби Лола Муродова оғир касалликдан сўнг шу йил 30 май куни 64 ёшида вафот этди.

Бутун мамлакатимизнинг ғурур ва ифтихори бўлган Лолахон Муродова 1958 йил 9 мартда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг меҳнат фаолиятини Олтиариқ туманидаги "Нуробод" жамоа хўжалигида механизатор сифатида бошлади, ўз ҳаётини мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги билан боғлади.

Ёшлик йилларидан бошлаб деҳқончилик илмини пухта ўрганган Л. Муродова жамоа хўжалигида бош пудратчи, бўлим бошлиғи, хўжалик раиси каби лавозимларда фидокорона меҳнат қилиб, ишни ташкил этиш, мўл ҳосил етиштириш, хўжаликни самарали бошқариш соҳасида катта тажриба орттирди.

Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиши билан моҳир ва миришкор деҳқон мамлакатимизда биринчилардан бўлиб "Нурли обод" фермер хўжалигига асос солди ҳамда ернинг ҳақиқий эгаси сифатида юртимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва уни янги босқичга кўтаришга катта ҳисса қўшди.

Ўз фаолиятида доимо янгиликка интилиб, эзгу ташаббуслари билан барча фермерларга, айниқса, ёшларга ибрат бўлиб яшаган Л. Муродова Янги Ўзбекистон шароитида алоҳида жонбозлик ва ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида илғор агротехнологияларни, бошқарувнинг замонавий усуллари ва самарали воситаларини қўллаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ёш фермерлар авлодини тарбиялашда ўзига хос тажриба мактабини яратди.

У ўз фаолияти билан Ватанга муҳаббат ва садоқатнинг, касбига фидойиликнинг ҳақиқий намунасини намоён этди. Айнан ана шундай олижаноб фазилатлари билан Лолахон опа бутун халқимиз учун ўзбек аёлининг ҳақиқий тимсолига айланди.

Эл-юрт ишига умрини бағишлаган қаҳрамон фермер жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Унинг бу борадаги серқирра фаолияти ёшларни, хотин-қизларни замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишида яқиндан кўмак бериш, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод этиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган эзгу ишларида яққол намоён бўлди.

Л. Муродова халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида ҳам самарали иш олиб бориб, мамлакатимиз ҳудудларини ривожлантириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилишда ҳам фаоллик кўрсатди.

Лолахон Муродованинг мамлакатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони, "Эл-юрт ҳурмати", "Фидокорона хизматлари учун" орденлари ҳамда "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий унвони билан мукофотланган эди.

Атоқли фермер, қишлоқ хўжалиги илмининг етук намояндаси, таниқли жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин ва самимий инсон, халқимизнинг фидойи фарзанди Лолахон Муродованинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ш. ҒАНИЕВ, Х. БОЗОРОВ, А. ҲАЙИТОВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ШИМОЛИЙ ТУМАНЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) очиқ электрон танлов ғолиби ижара ҳуқуқини ютиб олиш учун тўланадиган тўловни энг кўп миқдорининг **50 фоизини тўлаган даврдан бошлаб**, ушбу ер майдонларига ижара ҳуқуқини **учинчи шахсга сотиши ва ушбу ҳуқуқни тижорат банкидан кредит олиш учун гаровга қўйиши мумкин**;

в) **шимолий туманлардан рўйхатдан ўтиб**, мазкур ер майдонларида **фаолият юритадиган** қишлоқ хўжалигига ихтисослашган **тадбиркорлик субъектларига** (бундан кластерлар мустасно) ушбу фаолиятдан олинадиган даромади бўйича **айланмадан олинадиган солиқ**, шунингдек, мазкур туманлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва сақлаш мақсадида фойдаланиладиган ер участкалари ва мол-мулки бўйича юридик шахслардан олинадиган **ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади**;

г) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги талабномаларига мувофиқ фойдаланишдан чиққан суғориладиган **ерларни ўзлаштириш**, **суғориладиган ерларда ер тузиш**, бузилган ерларни рекультивация қилиш юзасидан **лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш** ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг **автоматлаштирилган ер-ахборот тизимини яратиш ва янгилаб бориш ишларига Давлат бюджетидан маблағлар ажратилади**;

д) қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ҳар бир гектар ерни фойдаланишга киритиш ҳамда заруратга кўра **суғориш тик қудуғини бурғилаш** ёки **насос станциясини қуриш** ва **ишга тушириш** бўйича **харажатларнинг бир қисми** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тузилган **инвестиция шартномаси** ёки **давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида бир марта қоплаб берилади**.

Молия вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини фойдаланишга киритишда заруратга кўра **суғориш тик қудуғини бурғилаш ёки насос станциясини қуриш ва ишга тушириш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби**ни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

е) қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга киритган ердан фойдаланувчиларга **қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш ҳуқуқи берилади**.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Кадастр агентлиги 2022-2023 йилларда **ҳар бир шимолий туман кесимида камида 1 000 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштириладиган ер майдонларини электрон савдога чиқариш** учун аниқласин.

Бош прокуратура электрон савдога ҳақиқатдан ҳам фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ хўжалиги ерлари қўйилаётганлиги устидан назорат ўрнатсин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги **2024 йил якунига қадар** мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган **экспериментни янада такомиллаштириш ва уни Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг алоҳида туманларида татбиқ этиш** бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси туманларида қишлоқ хўжалиги фойдаланишдан чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштириладиган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритиш учун инвесторларга "E-AUKSION" электрон савдо платформасида **очиқ электрон танлов асосида ижарага бериш тартибини тасдиқласин**.

6. Қуйидагилар:

2022 — 2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар дастури **1-иловага мувофиқ**;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ер майдонларини 2022 — 2024 йилларда қайта фойдаланишга киритиш кўрсаткичлари **2-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

Бош вазир ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев, Ж.А.Қўчқоров **икки ҳафта муддатда**:

2022 — 2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича **"Йўл харитаси"**ни;

**Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати**ни;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида **қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритиладиган ер майдонларига 2022 — 2024 йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари**ни;

**Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида 2022 — 2024 йилларда янги мевали боғларни барпо этиш ва мевали боғларни турлар бўйича жойлаштириш кўрсаткичлари**ни;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида 2022 — 2024 йилларда **янги узумзорларни барпо этиш бўйича кўрсаткичларни**;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қайта фойдаланишга киритиладиган ер майдонларида 2022 — 2024 йилларда **асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турлари бўйича етиштириш ва реализация қилишнинг прогноз кўрсаткичлари**ни;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида **чорвачилик, паррандачилик (туячилик, йилқичилик, куркачилик, беданачилик, туяқушчилик) йўналишлари бўйича 2022 — 2024 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар кўрсаткичлари**ни тасдиқласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, сув танқис бўлган маҳаллалар (овуллар)да Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига **ажратилган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда суғориш тик қудуқлари қазилади ёки мавжуд каналлардан сув чиқариш учун насос агрегатлари** ўрнатилади.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аҳоли томорқаларидан, ижарага берилган ерлардан самарали фойдаланиш, ҳудуд иқлими ва ерларнинг ҳосилдорлигидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги ўсимликларини тўғри танлаш, парваришлаш ҳамда маҳсулот етиштириш учун **ҳар бир туманга бир нафардан агроном бириктириш ҳамда уларнинг ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлигини таъминлаш тавсия этилсин**.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, туманлар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ўзлаштириладиган янги ер участкаларини ижарага бериш учун уларнинг қисқа муддатларда **очиқ электрон танловга чиқарилишини таъминласин**.

9. "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти қайта фойдаланишга киритилган ва ўзлаштирилган ерларда ҳамда бошқа экин ерларида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун **бюджет маблағлари ҳисобидан электр тармоқлари ва трансформатор пунктлари қурилишини таъминласин.**

10. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси туманларида яшовчи ва тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи жисмоний шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланадиган параметрлар доирасида **қуёш фотоэлектрик станцияси**, **қуёш сув иситиш тизимлари** ва **шамол электрстанцияларини қуришда** бутловчи қисмларни сотиб олиш харажатларининг **30 фоизи** миқдорида, бироқ **3 миллион** сўмдан ошмайдиган миқдорда компенсациялар тақдим этилади.

11. Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат грантлари бўйича белгиланган квоталар доирасида Қорақалпоғистон Республикасидаги **қишлоқ хўжалиги** ва **ахборот технологиялари йўналишларидаги** олий таълим муассасаларига махсус қўшимча **қабул квоталари** ажратилишини таъминласин.

Бунда махсус квота бўйича ўқишга қабул қилинган ёшларнинг олий маълумотга эга бўлганидан сўнг, йўлланма берилган корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларда **камида 5 йил давомида меҳнат қилиш мажбурияти назарда тутилсин**.

12. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги **Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан**:

шимолий туманларда доимий яшовчи етим, боқувчисини йўқотган ёки ногиронлиги бўлган ҳамда **профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 100 фоизигача, аммо базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб бериш**;

шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган олий таълим ташкилотларида **бакалавриатнинг кундузги таълим шаклида** ҳамда **магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олишлари** учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари ажратилишида **ушбу жамғарманинг кафиллигини бериш**;

**IELTS имтиҳон тизимидан 6 ва ундан юқори** кўрсаткични, **TOEFL имтиҳон тизимидан 60 ва ундан юқори** кўрсаткични қайд этган шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларнинг ушбу имтиҳонларни топшириш харажатларини **АТ Халқ банкининг туман филиаллари орқали тўлиқ қоплаб бериш**;

шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларнинг замонавий касб, ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тиллар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича олти ойгача муддатли ўқув курсларида ўқишлари учун **ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш**;

шимолий туманларда доимий яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги **олти ойгача муддатли ўқув курсларида ўқишлари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш**;

шимолий туманларда доимий яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги **олимпиада**, **танлов** ва **мусобақаларнинг маҳаллий босқичларида қатнашиш харажатлари** учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараварига**ча ҳамда халқаро босқичларида қатнашиш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **40 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш**;

шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларни таълим, маданият ва санъат, спорт, "IT" ва фанлар бўйича ўқитишга ихтисослашган ўқув марказлари жойлашган биноларнинг уч ой муддатгача бўлган нотураржой ижара харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш чораларини кўрсин**.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши шимолий туманлардаги "Ёшлар дафтари" жамғармалари маблағлари ҳисобидан "Ёшлар дафтари"га киритилган ва **шимолий туманларда доимий яшовчи ёшлар олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриши учун** уларнинг нодавлат таълим муассасаларида **таълим олиш харажатларини қоплаш** чораларини кўрсин.

14. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул** ва **шахсий жавобгар** этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р.Сариев белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 май

Тожикистонлик экспертлар:

# «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАШАББУСКОРИ ВА МЕЪМОРИДИР»

**Раҳмон ЎЛМАСОВ, Россия — Тожикистон университети профессори:**



— Бундан 566 йил аввал XV асрнинг энг буюк шоирлари — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий илк бор учрашиб, уларнинг мулоқоти абадий дўстликка айланган эди. Кейинчалик Садриддин Айний ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода, Лойиқ Шерали ва Зулфия, Мўмин Қаноат ва Эркин Воҳидов каби забардаст зиёлилар ижодий алоқаларини давом эттирдилар. Буларнинг барчаси ўзбек ҳамда тожик халқларининг тарихий яқинлигининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон икки қардош халқнинг буюк анъаналарини давом эттирмоқда. Мамлакатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси ҳамда донолиги туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларда мутлақо янги давр бошланди. Барча соҳада дўстлик ва ҳамкорлик руҳияти кезмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзаро ҳамкорлигимизда чинакам янгиланишлар кузатиляпти. Хусусан, сўнгги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 37 баробар ошди. Чегара ўтказиш пунктлари очилди, шаҳарлар ўртасида автобуслар қатнови йўлга қўйилди, ҳудудлараро алоқалар мустаҳкамланмоқда. Президент Эмомали Раҳмон Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ўтадиган Ўзбекистон автобуслари ва енгил автомобилларнинг Тожикистон ҳудудига кириши ҳамда ўтиши учун бож тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарорни имзолади. Ўзбекистонда Тожикистон капитали иштирокида 240 га яқин корхоналар фаолият кўрсатаётган бўлса, мамлакатимизда 60 дан ортиқ Ўзбекистон компаниялари ҳамда 30 та қўшма корхона фаолият юритаётир.

Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган бошқа соҳалар ҳам бор. Жумладан, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз миграция бўйича мавжуд масалаларни креатив усуллар билан ҳал этишга олға интилмоқда. Ишончим комил, Марказий Осиёдаги барча давлатлар миграция соҳасида ҳамкорликдаги сиёсатни олиб бориши мумкин.

**Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академияси Осиё ва Европа мамлакатлари институти илмий ходими:**



— Бугун Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг ижобий суръатда мустаҳкамланаётгани Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси остида бошланган туб янгиланишлар билан узвий боғлиқ.

Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч тамойилларига асосланган ташқи сиёсат юритилаётир. Бу Тожикистон билан алоқаларда ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил март ойида Тожикистон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи чинакам тарихий воқеа бўлди. Музокаралар якунида умумий кун тартибидаги, хусусан, чегара, виза, транспорт, сув-энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги масалалар ўз ечимини топгани маълум қилинди.

Ўша йилнинг август ойида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келди. Музокаралар мобайнида аввал эришилган келишувлар мустаҳкамланди, давлатлараро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил июнь ойида Тожикистонга амалга оширган расмий ташрифи ва унинг якунларига оид имзоланган салмоқли ҳужжатлар тўплами мамлакатларимиз ҳамда қардош халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ҳамда изчил ривожлантириш, кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ натижаларга эришиш йўлида мустаҳкам замин яратди.

**Гўзал МАИТДИНОВА, Геосиёсий тадқиқотлар маркази директори:**



— Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари бугунги кунда ўз тараққиётининг юқори чўққисига чиқди. Фикримча, мамлакатларимизнинг энг муҳим ютуғи чегара муаммоларининг ҳал қилиниши бўлди. Бу, ўз навбатида, сув ва энергетика соҳасидаги келишмовчиликларнинг ҳам бартараф этилишига хизмат қилди. Ушбу йўналишдаги музокаралар жараёнида эришилган муваффақиятлар Марказий Осиё дипломатияси тарихида давлатлараро масалаларни тинч йўл билан, ўзаро манфаатли тарзда ҳал қилиш бўйича мисли кўрилмаган ижобий воқеа бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Ўзаро ҳамкорлигимиз янада чуқурлашиб бораётганининг яна бир ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йили Тожикистонга расмий ташрифи чоғида қўшма инвестиция компанияси ташкил этиш тўғрисида имзоланган битимни кўрсатиш мумкин. Мазкур компания Тожикистонда қўшма лойиҳаларни молиялаштириш билан шуғулланади.

Ҳозирги кунда Тожикистонда 2030 йилгача Миллий ривожланиш стратегияси ҳаётга татбиқ этилмоқда, Ўзбекистон эса 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишга киришди. Ҳеч шубҳасиз, икки давлат стратегик режаларининг муваффақиятли амалга оширилиши бутун Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва равнақига хизмат қилади.

Тошкент ва Душанбе минтақавий ҳамда умумбашарий даражадаги саъй-ҳаракатларини самарали мувофиқлаштириб, халқаро институтлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватламоқдалар. Тожикистон томони Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини юксак қадрлайди. Шунингдек, Ўзбекистон томонининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг 2022 — 2027 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича Комплекс режани ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш тўғрисидаги таклифини ҳам олқишлаймиз.

**Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати.**

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармаларининг ўтган йилдаги ва жорий йил биринчи чоракдаги ижроси, шунингдек, мамлакатимиз фаровонлигини таъминлашга оид бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

## Фракцияларда

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** йиғилишида таъкидланганидек, 2021 йилда кўплаб давлатларда иқтисодиётнинг тикланиш жараёни кузатилди. Баъзи давлатлар эса пандемик инқироздан тўла чиқиб кетолмади. Глобал иқтисодий мавҳумлик сақланиб қолган бир шароитда Ўзбекистон иқтисодиётида 7,4 фоиз ўсиш қайд этилди. Аҳолининг умумий даромади 24,2 фоиз, реал даромадлар эса 12,1 фоизга ўсди.

Хусусан, 2021 йилда Мактабгача таълим тизимига давлат бюджетидан 8,0 трлн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, унинг тўлиқ ўзлаштирилишига эришилган. Қамров даражаси 67,2 фоизини ташкил қилди. Умумий таълимга 27,2 трлн. сўм маблағ ажратилган бўлса, бунда олий таълимга ажратилган маблағ 2 490,1 млрд. сўмга етди. Ёшларнинг олий таълимга қамровини янада кенгайтириш, соғлом рақобатни кучайтириш мақсадида ўтган йилда тўққизта янги давлат олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди.

Қайд этилганидек, жорий йил биринчи чорак учун тайёрланган ҳисоботда Ўзбекистон иқтисодиёти 5,8 фоизга ўсиб, аҳолининг умумий даромади 114,2 трлн. сўмга етган. Бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 115,9 фоизни ташкил қилган.

Шунингдек, ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 10 375,0 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Соғлиқни сақлашга бюджетдан йўналтирилган маблағлар миқдори ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 38 фоизга кўп экани таъкидланди.

Депутатлар бюджетдан ажратилаётган маблағнинг ҳар бир сўмидан мақсадли ва унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб, давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари ижросидан қониқиш ҳосил қилганини маълум қилдилар.

Фракция йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан маъқулланди.

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида қайд этилганидек, дунёда кузатилаётган мураккаб вазият, кутилмаган иқтисодий ва молиявий қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти ўз вақтида мувофиқлаштирилган фискал ва монетар сиёсат туфайли юқори ўсиш суръатларини қайд этмоқда. Бунда саноат, хизматлар ва қурилиш соҳаси иқтисодий ўсишнинг драйверлари бўлиб хизмат қилди. Хусусан, саноат 9,2 фоизга, хизматлар 8,7 фоизга, қурилиш 6,8 фоизга ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 4,0 фоизга ўсган.

Шунингдек йиғилишда, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам депутатлар томонидан обдан муҳокама қилинди.

Депутатлар ҳисобот даврида эришилган ижобий натижалар билан бирга, Давлат бюджети ижросига оид айрим камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, мавжуд камчиликларни ўз вақтида ҳал этиш зарурлигини қайд этдилар. Шу билан бирга, Давлат бюджети бўйича депутатлар таклиф ва тавсиялар билан иштирок этиб, таълим тизимига ажратилаётган маблағларни ўз вақтида ва мақсадли сарфланишини таъминлаш, бу орқали соҳадаги ислоҳотларни изчил олиб боришни янада жадаллаштиришни илгари сурдилар.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Йиғилишда мамлакат тараққиётига оид бир нечта қонун лойиҳалари ҳам қизғин муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари бир қатор қонун лойиҳалари билан бирга, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил ҳамда 2022 йил биринчи чоракдаги ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисоботни таҳлилий муҳокама қилди.

Жумладан, ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 54,7 фоизи миқдорида маблағ йўналтирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оғир вазиятга тушиб қолган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишсиз фуқаролар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун имконият яратиш ва соғлиғини тиклашга, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож юртдошларимизга зарурий ёрдамлар кўрсатилган.

Йиғилишда Ҳукуматнинг кучли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон қадрини юксалтириш ва бошқа асосий йўналишлардаги кенг қамровли, масъулиятли фаолияти эътироф этилди. Шу билан бирга, фракция аъзолари муҳокамалар жараёнида ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг самарали, мақсадли сарфланиши масаласига алоҳида эътибор қаратдилар.

Фракция аъзолари ҳисоботларда боқувчисини йўқотган, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, Болалар шаҳарчаларида тарбияланаётган болаларга ҳамда Саховат уйларига сарфланган харажатлар бўйича молиявий назорат ўтказилгани ҳақидаги ҳисоботлар етарлича очилмаганини танқид қилиб, мазкур йўналишда шаффофликни ошириш, кейинги ҳисоботларда бу борада кенгроқ ахборот тақдим этиш юзасидан таклифлар бердилар.

Йиғилишда шунингдек, Давлат бюджети ижросидаги камчиликларни келгусида бартараф этиш мақсадида Ҳукуматдан, аввалambор, бюджет ижросига нисбатан танқидий ёндашувни кучайтириш, масъул вазирлик-идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарликни юклаш, юзага келган салбий ҳолатларни чуқур таҳлилдан ўтказиб, очиқ ва таъсирчан чоралар кўриш бўйича ҳам таклифлар илгари сурилди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида депутатлар томонидан 2021 йилда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун Давлат бюджетидан 5 524,1 млрд. сўм, 2022 йил I чоракда эса соҳага 663,6 млрд. сўм йўналтирилгани ижобий баҳоланди.

Ҳисоботда келтирилишича, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудларида 2021 йил куз мавсумида 85,9 млн. туп, баҳор мавсумида эса 127 млн. туп мевали ҳамда манзарали дарахт ва буталарнинг кўчат ва қаламчалари экилган.

Йиғилишда Давлат бюджети маблағлари масъул вазирлик ҳамда идоралар томонидан ҳар доим ҳам самарали ва ўз вақтида бажарилмаслиги фракция аъзолари томонидан эътирозларга сабаб бўлди. Шундан келиб чиқиб, бюджет интизомига риоя қилиш, Давлат бюджети маблағларини мақсадли сарфлаш устидан назоратни мунтазам олиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йилдаги ҳамда 2022 йил биринчи чорагидаги ижроси юзасидан берилган маълумотларни таҳлилий кўриб чиқиб, уни маъқулладилар.

Тадбирда шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари фракция аъзолари томонидан биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланди.

Кун тартибидаги барча масалалар атрофлича кўриб чиқилиб, фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

*Фракциялар йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

1

Қонунда ер участкаларининг компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига асос бўладиган ҳолатларнинг рўйхати аниқ қилиб кўрсатилган. Ер участкаларининг ҳар қандай бошқа мақсадларда олиб қўйилишини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш сифатида талқин этиш қатъиян тақиқланади.

Шунингдек, бузилишга тушган ҳудудда жойлашган ерга бўлган ҳуқуқ мавжуд бўлмай туриб, ўн беш йил давомида кўчмас мулкка ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилиб келган шахсларга ҳам ушбу кўчмас мулк объекти учун солиқлар тўлаб келингани тасдиқланган тақдирда, мазкур кўчмас мулк объекти қийматининг ўрни қопланиши кўзда тутилмоқда.

Қонун билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузурида компенсация комиссиялари тузилиши белгиланмоқда.

Мазкур комиссиялар компенсациялар ўз вақтида тўлиқ ҳажмда берилиши устидан мунтазам мониторинг ва берилган компенсацияларнинг ҳисоби юритилишини таъминлайди. Компенсациялар ўз вақтида ва тўлиқ берилмаган ҳолатлар аниқланганда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига ахборот киритилиши ҳам қонунда белгиланган.

Қонунда жамоат эҳтиёжларига олиб қўйиладиган ер учун бериладиган компенсация турлари ва манбалари ҳам аниқ кўрсатилмоқда. Хусусан, бериладиган компенсация турлари пул маблағлари, шу жумладан, тураржойларни ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларни вақтинчалик ижарага олиш учун пул маблағлари, бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб беришдан иборат.

Мазкур қонунни ишлаб чиқишда миллий анъана ва қадриятларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, яъни битта маҳалла ёки кўчада яшовчи ҳуқуқ эгалари ва уларнинг оила аъзолари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, маданий қадриятларни сақлаб қолиш мақсадида ҳуқуқ эгаларининг хоҳишига кўра, уларга битта маҳалла ёки кўчада жойлашган янги уйлар (битта кўп квартирали уйдаги квартиралар) берилиши белгиланмоқда.

Ялпи мажлисда ушбу қонуннинг мантиқий давоми бўлган "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Қонун билан Фуқаролик, Ер, Шаҳарсозлик ва Бюджет кодексларига ҳамда "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги ва бошқа шу каби қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Юқоридаги қонунларга киритилаётган ўзгартишларнинг мазмунига кўра, жисмоний ва юридик шахсларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод ва доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун қонунчиликда белгиланган компенсация тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалалари тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит қонун билан тартибга солиниши, низоли вазиятларнинг олди олиниши, мулк эгаларининг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилиши инобатга олиниб, ушбу қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Маълумки, ерлар электрон онлайн-аукцион орқали фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади. Эндиликда, мазкур қонун билан Ер кодексига киритилаётган ўзгаришларга мувофиқ, очиқ электрон танлов орқали қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш ҳуқуқини қўлга киритган шахсларга ўша ҳудуд ҳокимининг тасдиғи талаб этилмайди.

Шунингдек, ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланганларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда чора кўриш масъулияти Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги органларига юклатилмоқда.

Ўз навбатида, ушбу ҳаракатлар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Хусусан, Ер кодексига киритилаётган қўшимча нормага асосан, Кадастр агентлиги органлари ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлаган тақдирда, ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ҳақида судга даъво аризаси киритади.

Бундан ташқари, қонунда ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим аҳоли қатламлари учун бир қатор кафолатлар ҳам белгиланмоқда. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг оиласи электрон онлайн-аукционлардан ер участкаларини сотиб олиши билан боғлиқ харажатлари давлат томонидан қоплаб берилади.

Мазкур қонун билан амалдаги 20 дан зиёд қонунлар, жумладан, 4 та кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Амалиётда учраётган турли тушунмовчиликларга барҳам бериш ва жамият ҳаётида қонунга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда сенаторлар мазкур қонунни маъқуллади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Сенат Мамаризо Нурмуратовни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сўнгра "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Мазкур қонун хусусий саноат корхоналарининг таклифлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти асосий ишлаб чиқаришда ёндош маҳсулот сифатида прекурсор ҳосил бўлаётган хусусий корхоналарга муомалада бўлиши чекланган прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш фаолиятини лицензияга асосан амалга ошириш учун шароит яратишдан иборат.

Прекурсорлар давлат томонидан назоратга олинган, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар ҳисобланади. Шунинг учун ушбу моддаларнинг муомаласини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Ялпи мажлисда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида жойлашган "Ғаллаорол калий фосфат" МЧЖ фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтилди. Корхонада калий сульфатни "мангейм" усулида ишлаб чиқариш жараёнида ёндош маҳсулот сифатида йилига 24 минг тонна хлорид кислотаси ҳосил бўлмоқда.

Ушбу хлорид кислотасининг 20 — 30 фоизи ички бозорда реализация қилинади, афсуски, қолган қисми омборхонада чиқиндига айланмоқда. Ўз ўрнида хлорид кислотаси хавфли суюқликлар турига киритилганлиги учун уни қисқа муддатларда реализация қилиш талаб этилади. Амалдаги тартиб эса тадбиркорларни бундай имкониятдан чекламоқда.

Таҳлилларга кўра, мавжуд қувватларда хлорид кислотасининг 70 фоизи экспортга йўналтирилса, бир йилда ўртача 2,7 миллион доллар миқдорида қўшимча маблағ олишга эришилади.

Шунингдек, ушбу йўналишда хорижий сармоядорлар иштирокида истиқболли лойиҳалар ишга тушиши билан 266 минг тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқарилиб, уни кейинчалик қайта ишлаш орқали юқори қўшимча қийматга эга 40 минг тонна текстиль саноати учун бўёқ — антрахинон, 21 минг тонна тоғ-кон саноати учун синиль кислотаси, 51 минг тонна ацетилен ишлаб чиқарилишига эришилади.

Қонунга киритилаётган янгиликлар орқали прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бўйича лицензияга эга бўлган юридик шахсларни (давлат ва хусусий корхоналар), шунингдек, прекурсорларни сақлаш, ташиш, сотиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқишга бўлган талабларни белгиланган тартибда тегишли давлат органлари томонидан тизимли назоратга олиш имкони яратилади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз кимё саноатининг тадбиркорлар ва сармоядорлар учун жалб этувчанлиги ортишига, соҳада тизимли назорат механизмлари жорий этилишига, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ҳамда янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Шундан сўнг сенаторлар иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли тураржойларида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳукуматга юборилган парламент сўрови натижаларини муҳокама қилди.

Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли тураржойларида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш борасида ҳукумат томонидан бир қатор устувор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2021 йилда Навоий вилояти Кармана туманида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилган. Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида қуввати 100 мегаваттга тенг бўлган йирик қуёш фотоэлектр станцияси қурилиб, эксплуатацияга топширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида қуввати 100 МВт бўлган, йилига 360 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқаришга ҳамда 110 мингдан ортиқ хонадонларни электр энергияси билан таъминлашга мўлжалланган лойиҳа бошланган.

Лойиҳанинг ишга туширилиши билан йилига 106 миллион куб метр табиий газ тежалади. Натижада 35 минг хонадон йил давомида газ билан таъминланади, шунингдек, атмосферага 160 минг тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинади.

Қолаверса, Қорақалпоғистон Республикасида саноат, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли тураржойларида 100 дан ортиқ қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари ўрнатилган. Аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Хўжайли туманидаги Кун нури, Қўнғирот туманидаги Қанлы ва Амударё туманидаги Гулзор каби маҳаллаларда кўп хонадонли уйлар қуёш панеллари билан жиҳозланган.

2021 йилда ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш эвазига 9,5 минг кВт соат электр энергияси тежалган.

Амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, парламент сўровига берилган жавоб таҳлили кўтарилган айрим масалалар бўйича соҳада камчилик ва муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Жумладан, сенаторлар томонидан иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳага объектлари ҳамда аҳоли тураржойларида, айниқса, марказлашган энергия таъминоти тизимларидан узоқда жойлашган ҳудудларда қуёш ва шамол энергияси имкониятларидан тўлақонли фойдаланилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисобини юритиш тўлалигича йўлга қўйилмаганига алоҳида урғу берилди.

Сенаторлар ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёзлардан фойдаланишни тизимли ташкил этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари, бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ илмий тадқиқот ва амалий ишларни молиялаштириш чораларини кўриш лозимлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли тураржойларида кичик қувватли қуёш фотоэлектр ва шамол электр станцияларини ташкил этиш юзасидан манзилли дастур ишлаб чиқиш, соҳага маҳаллий тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш масалалари бўйича масъулларга тегишли вазифалар юклатилди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан ҳукуматга юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда интернет орқали ёшларнинг ҳаётига хавф солаётган, маънавий онгига салбий таъсир қилувчи ахборот хуружларининг олдини олишга қаратилган ижобий ишлар олиб борилаётганлиги қайд этилди.

Жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғининг "UZ" доменида фойдали таълимий-маърифий ва мавзули веб-ресурсларни яратиш мақсадида жами 113 та стартап лойиҳалари IT-паркнинг инкубация ва акселерация дастурларига киритилган.

Шунингдек, фойдали веб-ресурслар, интернет лойиҳалар, мобиль илова ва дастурларни яратувчи муаллифлар ва дастурчилар сонини янада ошириш, ёшларни дастурлаш тилларига қизиқишини кучайтириш мақсадида "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бугунги кунда барча туман ва шаҳарларда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган 205 та рақамли технологиялар ўқув маркази (IT-марказ) ташкил қилинган.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан парламент сўровидаги айрим масалалар тизимли равишда амалга оширилмаганлиги таъкидланди.

Хусусан, миллий ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар, ахборот-коммуникация дастурларини яратиш борасида илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий жиҳатларини миллий амалиётга жорий этиш ишлари ташкил этилмаган.

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ёшлар ва вояга етмаганлар учун қизиқ бўлган матнли, фото, видео ва аудиовизуал материалларга бой бўлган контентлар мавжудлиги, уларда баён этилаётган маълумотлар ҳақиқатга мос келиши мониторинг ва таҳлил қилинмаган.

Ахборот маконида Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва санъатини ҳамда илм-фанни тарғиб қилишни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар талаб даражасида олиб борилмаяпти.

Бундан ташқари, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига кундалик ҳаётида кўп фойдаланиладиган телефон, компьютер ва шу каби бошқа қурилмаларнинг фойдали ҳамда зарарли томонларини тушунтириш ишларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Сенаторлар муҳокама жараёнида ҳукуматга парламент сўровидаги муаммоларни тўлиқ бартараф этиш мақсадида алоҳида "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиши зарур эканлигини таъкидлаб ўтди.

Парламент сўровида қайд этилган масалалар доимий назоратда бўлишини назарда тутувчи Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Сенат Турғунали Мирзаев ва Нурали Раҳмоновни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига ўн йиллик муддатга сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, ялпи мажлисда Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитасининг 2021 йил ва 2022 йилнинг биринчи чорагидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Ҳисобот даврида Қўмита томонидан ўтказилган 47 та мажлисда 140 дан зиёд муҳим масала кўриб чиқилган. Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан қабул қилинган 30 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14 та қарори ва 1 та Фармони ижроси ўрганилиб, маълумотлар тайёрланган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид 6 та қонун ва қонуности ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлиги таҳлил қилиниб, такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Қўмита томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида 26 та тадбир ўтказилиб, 5 та қонуннинг ижроси ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилган. Шунингдек, вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг 5 та ҳисоботи ва 16 та ахбороти эшитилган.

Қўмита аъзолари томонидан тегишли давлат ҳокимияти, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга 105 та сенатор сўрови киритилган ва уларнинг 87 таси ижобий ҳал этилган.

ОАВ ва ижтимоий тармоқларда чиқишларга алоҳида эътибор қаратилган. Қўмита фаолиятига оид қатор видеороликлар телеканаллар орқали эфирга узатилган, хорижий ОАВда 16 та мақола чоп этилган.

Кенг жамоатчилик иштирокида "Оролга мадад" акцияси ўтказилиб, Орол денгизининг қуриган тубидаги ўрмончилар штабига 5 тоннага яқин саксовул уруғи ва кўчатлар етказиб берилган.

Қўмита томонидан 3 та методик қўлланма ишлаб чиқилган. "Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик ва очиқ сув ҳавзаларига ифлослантирувчи оқоваларни оқизганлик учун келтирилган моддий зарарни аниқлаш" методик қўлланмаси ҳукуматга киритилган.

Бундан ташқари, Қўмита томонидан 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари (ПҚ–4889-сонли қарор) ижроси устидан парламент назорати ўрнатилган. Президент қарорига мувофиқ, бугунги кунда 9,1 триллион сўмлик 1 139 та лойиҳа ишга туширилган бўлиб, 9 152 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари (ПҚ–5202-сонли қарор) ҳамда Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирларнинг (ПФ–25-сонли Фармон) жойларда ижро этилиши устидан парламент назорати ўрнатилган.

Ялпи мажлисда Қўмита томонидан келгусида эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Жумладан, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонун ҳужжатлари ҳамда Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар ижроси, экологик назоратнинг жамоатчи инспектори институтини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш, мамлакат миқёсида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилиши устидан қатъий парламент назоратини олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг тегишли мақсадларида белгиланган топшириқларни амалга оширишда ташаббускор бўлиш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлис доирасида сенаторлар Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласини ҳам кўриб чиқди.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан 11 та масала, шу жумладан, 5 та қонун муҳокама этилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА МУҲИМ БЎЛГАН МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Олий Мажлис Сенати йигирма олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва кўрилган бошқа масалалар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида муҳим аҳамиятга эга экани билан алоҳида диққатга сазовор. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сенаторлар ўзларининг фикрларини қуйидагича баён этди.*

## Нуқтаи назар

### Жамоат эҳтиёжи йўлида олинган ер участкалари учун компенсация бериш тартиб-таомиллари белгиланмоқда

*Эркин ГАДОЕВ,*
*Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:*

— Маълумки, кейинги йилларда юртимиз бўйлаб улкан бунёдкорлик ишлари рўёбга чиқарилмоқда. Бундай шароитда ер участкаларини жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйиш ҳолатлари кўпайиши тушунарли. Айни шу жараёнда ер эгаларини рози қилиш муҳим. Аммо, айтиш жоизки, амалиётда ер эгаларини рози қилмаслик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бу эса тегишли қонунчиликда муайян бўшлиқлар мавжудлиги билан изоҳланади.

Ялпи мажлисда маъқулланган "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун ана шу муаммоларга ҳуқуқий ечим топишга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Яъни унга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга эгалик қилиш, доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ва уларнинг эгаларига компенсация бериш тартиб-таомиллари белгиланмоқда. Айни чоғда ер участкалари компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига асос бўладиган ҳолатлар рўйхати аниқ кўрсатилган бўлиб, бошқа ҳолатларда бунга йўл қўйилмайди.

Яна бир муҳим янгилик шуки, бузилишга тушган ҳудудда жойлашган ерга бўлган ҳуқуқ мавжуд бўлмаган, аммо ўн беш йил давомида ушбу кўчмас мулк объекти учун солиқ тўлаб келган бўлса, мазкур кўчмас мулк объекти қийматининг ўрни қоплаб берилади.

### Ҳар қандай мамлакат тараққиётини қайта тикланувчи энергия манбаларисиз тасаввур этиш қийин

*Борий АЛИХОНОВ,*
*Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси:*

— Ҳозирги пайтда ҳар қандай давлат тараққиётини қайта тикланувчи энергия манбаларисиз тасаввур этиш қийин. Шу сабаб ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Яъни жойларда қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишга ўтиш чоралари кўрилаётир. Хусусан, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли тураржойларида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш борасида ҳукумат томонидан бир қатор устувор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ялпи мажлисга киритилган иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли тураржойларида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ҳукуматга юборилган парламент сўрови натижаси ҳақидаги масала сенаторлар томонидан ҳар тарафлама таҳлил қилинди.

Келтирилганидек, Қорақалпоғистон Республикасида саноат, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли тураржойларида 100 дан ортиқ қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари ўрнатилган. Хўжайли туманидаги Кун нури, Қўнғиротдаги Қанлы ва Амударё туманидаги Гулзор маҳаллаларида кўп хонадонли уйлар қуёш панеллари билан жиҳозланган. Шуларга мос равишда Беруний туманида қуввати 100 МВт бўлган, йилига 360 млн. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарадиган, 110 мингдан зиёд хонадонларни энергия билан таъминлашга мўлжалланган лойиҳа бошлаб юборилган.

Бу борада камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли тураржойларида, айниқса, марказлашган тизимдан узоқ ҳудудларда қуёш ва шамол энергияси имкониятларидан тўлақонли фойдаланилмаётир.

Шулар асосида кичик қувватли қуёш фотоэлектр ва шамол электр станцияларини ташкил этиш юзасидан манзилли дастур ишлаб чиқиш, соҳага маҳаллий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш юзасидан масъулларга тегишли вазифалар берилди. Бу эса камчиликларни бартараф этишимизда қўл келади.

### Янги қонун давлат хизматчилари масъулиятини янада оширади

*Наримон УМАРОВ,*
*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси:*

— Кейинги йилларда барча жабҳада бўлгани сингари давлат хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилябти. Ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида давлат идоралари ходимлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратишга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда.

Сенаторлар томонидан маъқулланган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун давлат фуқаролик хизматини, жумладан, номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишга йўналтирилган.

Бу ҳужжат ҳақида сўз кетганда, у давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонлар ва уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгилашда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи хусусиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Қонуннинг яна бир алоҳида жиҳати шундаки, унинг нормалари фақатгина давлат реестрига киритиладиган лавозимларда фаолият юритаётган давлат хизматчиларига нисбатан татбиқ этилади.

Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматини тартибга солишда давлат органларининг асосий ваколатлари белгиланган.

Умуман, мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида давлат хизмати соҳасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилади. Давлат хизматчиларининг тоифаси, мақоми, малака даражаси, уларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиб-таомиллари белгиланмоқда. Бу ҳужжат давлат хизматчилари масъулиятини янада оширишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**«Халқ сўзи».**

# ВАФО ВА САДОҚАТ ТАРАННУМИ

*Алишер Навоий номидаги "Киночилар уйи"да Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган "Муҳаббат баҳори" фильми премьераси бўлиб ўтди.*

## Санъат



Кинорежиссёр Иброҳим Расулов томонидан тасвирга олинган ушбу картинада ўзбек адабиётнинг икки буюк дарғаси — Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўзбек ва жаҳон адабиётида шундай инсонлар ўтганки, улар ўзларининг қисқа ҳаёти давомида бебаҳо адабий мерос қолдирган. Ҳамид Олимжон ҳам чақмоқдек умр кўрган бўлса-да, бир-биридан дилбар асарлари билан адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшди. Ўзига хос услубдаги шеърлари, достонлари билан ихлосмандлар қалбидан ўрин эгаллади.

Зулфияхоним — севги ва садоқат тимсоли. Шоиранинг ҳаёт йўлини ўрганар эканмиз, унда ҳақиқий ўзбек аёлларига хос самимият, ибо-ҳаё, ёрига бўлган вафо борлигини кўрамиз. Зулфияхоним ва Ҳамид Олимжоннинг ибратли ҳаётига киноасар премьераси мобайнида яна бир карра гувоҳ бўлдик.

Кейинги йилларда Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ҳаётини, хотирасини абадийлаштириш мақсадида қатор ишлар қилинди. Хусусан, Адиблар хиёбонида ҳар иккаласининг ҳам ҳайкаллари қад ростлади. Уларнинг кўзларида ҳаётга муҳаббат, ўтган умрдан розилик, фахр-ифтихор туйғуси акс эттирилгандай гўё.

**Машҳура ИНОЯТОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 488 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6